

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Сурхондарё вилоят Ногиронлиги
булган шахсларни реабилитация
килиш ва протезлаш маркази
рахбари

Ф.И.О.

Сурхондарё вилоят Ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва
протезлаш маркази кирхона аутсорсинг хизмати ишларига талаб этиладиган
хизматлар ва хужжатлар рУйхати

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

СУРХОНДАРЁ-2022 йил

СУРХОНДАРЁ-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлов предмети

Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлов комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари

Қатнашчига танловда катнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

Б. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатининг таркиби

Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

В. Танлов ҳужжатларини тайёрланиши

Танловда катнашиш харажатлари

Танловда қўлланиладиган тил

Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

Г. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини электрон имзолаш

Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

Танлов таклифларининг очилиши

Д. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

Е. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси уз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ТаШКИЛ этиш ва утказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни утказиш очик турда бўлиб, Сурхондарё вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази қирхона қирхона аутсорсинг хизмати ишлари бўйича танлов утказиш кузда тутилган.

Тупламлар сони: 5 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 75 400 000 СЎМ.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат қўрсатиш муддати: 28 кун.

2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Сурхондарё вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази қирхона қирхона аутсорсинг хизмати ишларини бажариш ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги Уринларда — Танлов) Утказишдан мақсад — мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилот аниқлаш.

Танлов утказиш тартиби — бир босқичли.

Буюртмачи — Сурхондарё вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази қирхона ;

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов утказиш тартиб-қоидаларини елгилайди;
- белгиланган тартибда танловни Утказиш;
- танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлов бўйича қелиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- электрон таклифларни очади, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тулиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда конун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- ҳолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар қиради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz порталида эълон беради;

- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

- қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

- энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ҳолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- факат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги маълумотнома;

- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган катнашчи танлов комиссиясига электрон тижорат таклифини ақдим қилган бўлишлари керак. Электрон тижорат таклифида талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- катнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- катнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- катнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- танлов таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Катнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан коплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов ғолиби – таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов катнашчиси.

Захирадаги катнашчи – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган катнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги катнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича қилишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчинини харид тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қоида­сига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар

киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва катнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлов таклифлари бир нусхадан, фақат электрон тарзда бўлиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили кўрсатилган ҳужжатлар, электрон тарзда биргаликда қабул қилинади.

Электрон ҳужжатнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти кўрсатилади.

Электрон ҳужжатда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлов таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов катнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг

II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун катнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун катнашчи ўз вақлига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва

мухрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, мухр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига кўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлов қатнашчисининг электрон имзоланмаган, ҳужжатлари кўриб чиқилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Танлов таклифларини электрон имзо ва ҳужжатларни белгилаш

16.1. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда мухрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг электрон танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлов комиссияси танлов қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган электрон таклифлар (ҳужжатларнинг шакллариининг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва ҳ.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлов таклифларининг очилиши

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов электрон таклифларини очади.

Таклифлар билдирилган электрон ҳужжатлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги ҳужжатнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта

ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Электрон тижорат таклифлар очилгандан кейин танлов катнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлов ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида танлов ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан катнашчига қайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов катнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлов Электрон тижорат таклифлари билдирилган ҳужжатни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлов электрон таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танлов катнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Катнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов катнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чиқиш муддати 5 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган катнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси

билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар қўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ҳолибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-ҳом ашё биржасининг www.xarid.uzex.uz махсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик ҳатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

қатнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини қўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи ҳатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охири муддатигача таклиф тушмаса ёки факат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5. Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ҳолиблари ўртасидаги шартнома танлов ҳолиблари тўғрисида республика товар-ҳом ашё биржасининг www.xarid.uzex.uz

махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

II БОБ. Танлов таклиф шакллари

№ _____-лот

Танлов қатнашчисининг ташкилий тузилмаси

Танлов қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ
САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА
МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ _____ -лот

(Қатнашчининг фирма бланкасида)

№ _____ ва _____ сана _____

Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлов	савдолари	иштирокчисининг	номи:
Манзили	ва		телефон
раками: _____			
Факс: _____			

— Юридик
ақоми: _____

Ташкил	этилган	жойи	ва
санаси: _____			
Фаолият	турлари	бўйича	
ихтисослашуви: _____			
Офиси	жойлашган	жойи	ва
Ўзбекистондаги филиаллари: _____			
Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:			
Доимий	ишловчи	ходимлар	
(жами): _____			
Вақтинчалик	ишловчи	ходимлар	(жами):

Камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий	ишловчи
ходимлар: _____	
Вақтинчалик	ишловчи
ходимлар: _____	

Танлов катнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, худудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами m^2) [хусусий ёки ижара];

- омборхона жойлари мавжудлиги (жами m^2) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------------	-----------------------

Катнашчи номи: [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахсининг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

Изох: махсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фаркланиш аниқланилса, бундай ҳолда бир дона махсулотнинг нархига қаралади.

Катнашчи номи: [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахсининг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

Ш БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАХСУЛОТЛАРГА ВА КУРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

- I. 1. **Хизматларнинг тулик номи:** Сурхондарё вилоят Ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази кирхона аутсорсинг хизмати ишларига талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар рУйхати

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги микдори 1-жадвалда келтирилган.

- 1.2. **Буюртмачи:** Сурхондарё вилоят Ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази

- 1.3. **Етказиб берувчи:** Буюртмачи томонидан Утказилган танлов натижаларига кура етказиб берувчи аникланади.

- 1.4. **Хизмат курсатиш муддати:** 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 10 кун ичида.

- 1.5. **Молиялаштириш манбалари:** Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАЕЛАРИ ҳисобидан.

- 1.7. **Хизмат кУрсатувчи ташкилот** Сурхондарё вилоят Ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази кирхона кирхона аутсорсинг хизмати ишларини бажариш учун талаб этиладиган хизматлар рУйхати

- 1.8. **Иш куни навбатчилик асосида** ҳар кун ҳисобланади.

1-жадвал

Сурхондарё вилоят Ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази кирхона кирхона аутсорсинг хизмати ишларини бажариш учун талаб этиладиган хизматлар руйхати

№	НОМИ	Ул. бир	СОНИ
1	Кир ювиш, чайиш ва дазмоллаш ишларини бажариш	кг	13000

IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Сурхондарё вилоят Ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази кирхона кирхона аутсорсинг хизмати ишларини бажариш учун талаб этиладиган хизматлар руйхати

№	НОМИ	Ул. бир	СОНИ
1	Кир ювиш, чайиш ва дазмоллаш ишларини бажариш	кг	13000

Тижорат таклифлари бахоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кУрсатувчи ташкилотлар талаб килинган махсулотлар учун нархларини Узларинг ички имкониятларидан келиб чикиб белгилайди. Барча талаб килинган хизматлар учун эхтиёт кисмлар "Хизмат курсатувчи" ташкилот томонидан тулик копланеди.

1.2. Махсулот (хизмат, иш) бахоси (таклиф)га жумладан танлов, соликлар, бюджет ва нобюджет жамгармаларга мажбурий туловлар буйича харажатлар кушилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан урнатилган бахолар етказиб беришни (хизмат курсатишни, иш бажаришни) тулик амалга ошириш даврига белгиланиб, узгартирилиши мумкин эмас.

1.4 Кайси боскичда булмасин, бахони кутаришга йуналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган хисобланиб, танлов комиссияси томонидан куриб чикилмайди.

2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Узбекистон Республикаси миллий валютаси сумда такдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Махсулотларни етказиб бериш, хизматларни кУрсатиш ва ишларни бажариш муддати _____ 2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошланади ва _____ 2022 йилгача давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тулов Узбекистон Республикаси миллий валютасида умумий

шартнома қийматининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

V. ШАРТНОМА ШАКЛИ

Сурхондарё вилоят Ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази кирхона номидан низом асосида иш юритувчи _____ бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда _____ номидан низом асосида иш юритувчи _____ иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) куйидагилар хакида мазкур шартномани туздик:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кУрсатилган спецификацияга мувофик _____ мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни ва товарларни кабул килиш ва хакини тулаш мажбуриятини олади. КУрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, микдори ва бахоси ушбу шартноманинг ажралмас КИСМИ булган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг хукуклари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни курсатишни талаб килиш; - лозим даражадаги сифатда хизмат кУрсатилмаган такдирда, уз хохишига кура куйидагиларни талаб килиш:

— камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи пиХСНИНГ камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини коплаш;

- бахосини мутаносиб равишда пасайтириш;

— шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофик кУрсатилган хизматларни кабул килиш;

— ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофик кУрсатилган хизматлар учун тУловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг хукуклари:

- буюртмачидан амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ва хажмда кУрсатилган хизматлар учун олдиндан тулов ва якуний хисоб-китобларни амалга оширишни талаб килиш;

- буюртмачидан бажарилган ишнй кабул килишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофик ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси _____
(_____) сўм, ҚҚС билан (ҚҚС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофик белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатида олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан такдим этилаётган хизматлар хажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай такдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Такдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи такдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар такдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон такдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни такдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига қўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, энгил бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида қўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу

шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши қаби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тартади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;

- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;

- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадilar. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик таомилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни қафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини қафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9.2. Томонлар Уртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тулик амалга оширилганда тугайди.

х. якуний КОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай Узгартириш ва қУшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ИККИ нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган Узгартиришлар (қУшимчалар) томонлар томонидан ИМЗО,лаНГ аН пайтдан бошлаб оширилади.

М. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

«Иш бажарувчи»

НОМИ: _____

МАНЗИЛ: _____

Тел./факс: _____

Ш/Х: _____

Банк номи: _____

ИНН: _____

МФО: _____

ОКОНХ: _____

«Буюртмачи»

НОМИ Сурхондарё вилоят Ногиронлиги

бўлган шахсларни реабилитация қилиш

ва протезлаш маркази

МАНЗИЛ Термиз тумани Корахон

Маҳалласи Жайронхона кишлоғи-15

Тел./факс 91-232-90-90

Ш/Х 100021860222207109405344001

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи

207315048

Ғазначилик бўлинмаси номи

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х\в 23402000300100001010

Банкнинг номи Тошкент ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

РАХБАР _____

(имзо)

(ф.и.о)

РАХБАР _____

(имзо)

(ф.и.о)

Юрист визаси: Мен _____ нинг юристи, ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги
(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

« ____ » _____ 2022 йил / _____ / _____

Коррупцияга карши курашиш буйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома буйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш тугрисидаги конун жужжатларининг талабларига зид келадиган кар кандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкый наф олмайди. Тарафлар ушбу харакатларга йул куймаслик буйича чоралар курилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома буйича бир Тараф Хукумат уйидан фойдаланиш бошкармаси ходимининг ахлокка тугри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конун жужжатларига зид келадиган хатти харакатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукукбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат булган фактларга дуч келса, бу хакда куйидаги алока каналларидан бири оркали хабардор килиши керак:

” 1008” ишонч телефони;

TeKyat-каналли («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган циКЛ ёки электрон почта.

Изох: Шартномадаги ушбу шартлар ”ярим кора“ шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

Буюртмачи:

Сурхондарё вилоят Ногиронлиги
булган шахсларни реабилитация
килиш ва протезлаш маркази